Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 58 (6. 547) 1988 йил 11 март, жума Баҳоси 3 тийин

Янгиланиш йўлидан

XIX

## Тежамкорлар сафи кенгаймоқда

⊙ Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси шарафига шаҳримиздаги бир қатор корхоналарда материал, хом ашё ва энергетика ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланиш ҳаракати кенг тус оляпти. Масалан, тепловоз депосида локомотив бригадалари ўртасида ана шундай мусобақа ташкил этилган.

Янги йилнинг дастлабки ойларидаёқ Н. Славников ва Ю. Немажевлар бир ярим тоннадан зиёд дизель ёқилғисини тежаб қолдилар. Пешқадам машинист ва унинг ёрдамчиси эришаётган ютуқлар кўпчиликни қувонтиряпти. Машинист Ю. Ҳусаинов январь ойининг ўзидаёқ 1130 килограмм дизель ёқилғисини иқтисод қилганди. Коллектив ҳозирда ҳам ана шу маромни сақлаб қолишга интилмоқда.

⊙ Тежамкорлар сафи ой сайин кенгайиб бораётгани қувончли ҳол. Машинист Э. Тўлаганов ўз ёрдамчиси Н. Ерзаков билан ҳамкорликда оғир составли поездни моҳирона бошқариб, нормадан ташқари икки минг 800 тоннадан зиёд юк ташишга эришди. Бунда дизель ёқилғисини тежашга ҳам катта эътибор берилди: бир тоннадан зиёд ёқилғи тежалди. Машинист П. Ниёзматов, Ю. Мурзин ва бошқалар ҳам ўзаро мусобақада пешқадамликка интилмоқдалар. Улар ҳисобида ҳам тежалган ёқилғи миқдори ой сайин ошиб боряпти. Барча локомотив бригадаларига ўрнак бўлаётган бу илғорлар тажрибаси депода тежамкорлик ҳаракатини янада кенгайтиришга ёрдам беряпти.

Бутун коллектив эса Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси очиладиган кунгача пландан ташқари камида 150 минг тоннадан зиёд халқ хўжалик юкларини ташишга аҳд қилган.

Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси олдидан

# ПОКЛАНИШ

**БУНДАН қарийб бир йил муқаддам КПСС Марказий Комитети «Партияга қабул қилиш ва партия сафларини мустаҳкамлаш борасида Тошкент область партия ташкилотининг ишидаги жиддий камчиликлар тўғрисида» қарор қабул қилган эди. Мазкур қарор қандай бажарилаётгани тўғрисида Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари Т. А. АЛИМОВ ЎзТАГ мухбири билан суҳбатда гапириб берди:**

— КПСС Марказий Комитетининг комплекс тусдаги бу қарори жами ишимизни тубдан ўзгартиришга, қайта қуришда туб бурилиш бўлишини таъминлашга қаратилгандир. Очиғини айтадиган бўлсак, қайта қуриш шу қарорга қадар имиллаб амалга оширилаётган эди, деди Темур Аъзамович. — Қарорда ишдаги жиддий камчиликларимиз кўрсатиб берилди, унда кўпгина ярамас ҳодисаларнинг келиб чиқиш сабаблари ойдинлаштирилди. Партия сафларига ёт унсурлар кириб олиб, уни ифлослантириб қўйганлиги, партия ташкилотлари принципиаллик ва жанговарликдан маҳрум бўлиб қолганлиги оқибатида ана шу ярамас воқеалар юзага келди ва шулар сабабли ҳозир ҳам бундай иллатлар содир бўлиб турибди.

Партиямиз учун партия сафларининг ўсиши ҳеч қачон асосий мақсад бўлган эмас. Шунинг учун ҳам ўтмиш хатоларидан сабоқ чиқариб олиб, биз партия сафларининг ўсишини икки марта камайтирдик. КПССга кирувчилар олдига каттароқ талаблар қўйилмоқда. Ҳамма жойда партияга танлаб олишнинг икки йиллик системасини жорий этдик. Эндиликда ўз ҳаётини партия билан боғлаш истагини билдирган ҳар бир одамни бошланғич партия ташкилоти олдиндан ўрганиб боради, бунда меҳнат коллективининг фикри, албатта, эътиборга олинади. Айни вақтда партия ташкилотлари ўз сафларини тозалашга ҳам киришдилар.

Қўлида партия билети бўлган ҳар бир кишини ва бундай билет қандай одамга топширилаётганини синчиклаб ўрганишдек вазифа зиммамизга юкланган эди.

КПСС Марказий Комитетининг қарори апрель ойининг сарин еллари ғафлат уйқусидан уйғотган ҳаётнинг теран жараёнларини диққат билан ўрганишни, муаммоларни ҳал этишнинг кечаги усулларидан, сийқаси чиққан қарорлардан воз кечишни талаб этди.

Владимир Ильич Ленин партия сафларининг поклиги ҳақида қайғуриб, 1922 йилда бундай деб ёзган эди. «Партияни пролетар сиёсатини тамомила англаб амалга ошира оладиган коммунист бўлмаган аъзолардан халос қилишни енгиллаштириш учун яна баъзи чораларни ишлаб чиқиш керак».

Областда ана шундай тадбирлардан бири сифатида коммунистларни аттестациядан ўтказа бошладик. Бу тадбирни партияни тозалаш билан сира-сира қиёслаш мумкин эмас. Бу тозалаш эмас, балки қайта қуриш шароитида ҳар бир коммунистнинг, бутун партия ташкилотининг авангардлик ролини ошириш йўлларидан биридир. Иккинчи жиҳатдан эса, бу партия сафларини номуносиб унсурлардан қатъиян тозалашдир, бу эса КПСС Устави талабларига, унинг коммунистнинг бурчлари тўғрисидаги иккинчи параграфига ва масъулияти ҳақидаги тўққизинчи параграфига тўла жавоб беради. Ветеранларнинг хотирлашича, ўтган йилларда бўлган тозалаш чоғида коммунистнинг тақдирини асосан уч киши ҳал этар эди. Ҳозир эса сўнгги сўзни ҳатто аттестация комиссияси ҳам эмас, балки коммунистни аттестациядан ўтказиш ёки ўтказмасликни ҳал этадиган партия ташкилоти айтади.

Аттестация шартларига кўра, аттестациядан ўта олмаган коммунист партия сафидан чиқарилади, ундан шартли тарзда ўтган КПСС аъзоси эса бир йилдан кейин яна аттестация қилиниш билан партиявий тартибда жазоланади.

Аттестация ҳар бир коммунистга ўзини ва партиядош ўртоғини яна бир карра текшириб кўришга, жўн бўлмаган ҳозирги вазиятда ўз ўрнини белгилаб олишга, партия билан халқ олдидаги шахсий жавобгарлик мезонини англаб олишга имкон беради. Бу баландпарвоз гап эмас. Эндиликда биз ўтмишдаги «ғалаба»ларга ва унга ўзимиз қўшган шахсий ҳиссага бошқачароқ мезонлар билан баҳо бермоқдамиз. Ҳозир кимлар биз билан бирга-ю, кимлар бизга қарши эканини, кимлар умуман қайта қуришдан четда турганини, кимлар эски муносабатлар юкини орқага тортаётганини ва кимлар яшириниб олиб, орқаваротдан зарба бериш учун қулай фурсатни кутиб турганини аниқ белгилаб олишга ҳаракат қилмоқдамиз. Бу ўринда соддагина даъватлар билан иш битмайди.

Агар илгари ўғрилар ва порахўрларни асосан маъмурий органлар фош этиб, омма эса рўй-рост айтадиган бўлсак, жим турган бўлса, эндиликда одамларнинг кўзи очилди, улар ҳаракатга келиб қолишди.

Тошкент область партия комитетининг яқинда бўлиб ўтган пленумида бюро қайта қуришга раҳбарлик тўғрисида ҳисобот берди. Ана шу пленумда коммунистлар Бутуниттифоқ XIX партия конференциясида КПСС Уставига коммунистларнинг аттестациядан ўтишини шарт қилиб қўядиган янги банд киритиш тўғрисида таклиф айтдилар. Партиявий ишнинг бу янги формаси ҳозирча фақат Тошкент областида ўтказилмоқда.

Ростини айтадиган бўлсак, аттестация одамларнинг феъл-атворини шу қадар тез ўзгартириши мумкинлигини ўзимиз ҳам кутмаган эдик. Аттестация кишиларнинг гражданлик позициясига, коллективлардаги маънавий вазиятни соғломлаштиришга хайрли таъсир ўтказмоқда. Бу борада Янгийўлдаги ун заводи ибрат кўрсатди. Шаҳар партия комитети шу коллективда содир бўлган мураккаб вазиятни ҳисобга олиб, бу ерда аттестация ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди. Корхона план топшириқларини ва маҳсулот етказиб бериш шартномаларини бажармай келар, маҳсулот сифати пасайиб кетган эди. Коллективда кўпчилик ишга бефарқ бўлиб қолди, ўз кучларига ишонмай қўйди. Аттестация туфайли аҳвол ўзгарди. Шу тадбирни ўтказиш чоғида КПССнинг тўрт аъзоси, жумладан завод директори А. Хайруллаев ва партия бюросининг секретари Ф. Раҳматуллаев аттестациядан шартли тарзда ўтказилди. Икковига виговор эълон қилинди, уларнинг раҳбарлик лавозимларда ишлаши мақсадга мувофиқ эмас, деб топилди. Раҳбарлар билан бир қаторда оддий коммунистларга нисбатан ҳам талабчанликнинг ортиши бутун коллектив кайфиятида туб бурилишга олиб келди. Ярим йил ичида корхона қолоқликка барҳам бериб, йиллик планни муваффақиятли бажарди, фойда кўриб ишлай бошлади.

Бошқа бир мисолни ҳам айтиб ўтайлик. Кейинги уч йил мобайнида Ўзбекистон металлургия заводининг мартен цехи планни муттасил бажармай келди. Коллективда партиявий иш сусайиб кетган, технология интизоми бўшашган эди, прогулларга йўл қўйиб бериларди, медицина ҳушёрхонасига тушган одамлар орасида коммунистлар ҳам бор эди. Бу коллективни соғломлаштириш учун комбинат партия комитети у ерда коммунистларни аттестациядан ўтказди. Ишда хатоларга йўл қўяётган, дуруст ишламаётган кишилар биринчи галда аттестация комиссиясига келдилар. Аттестация комиссиясида суҳбатдан ўтган 20 кишининг беш нафари аттестациядан шартли тарзда ўтказилиб, партиявий тартибда жазо олди, уч киши, жумладан партия группа ташкилотчиси ҳам партиядан ўчирилди. Бу қандай натижа берди. Цех партия ташкилоти мустаҳкамланди, ишнинг кўзини билиб, меҳнат қила бошлади, коллективда маънавий-психологик вазият ўзгарди. Натижада цех коллективи қолоқликка чек қўйиб, йиллик планни муддатидан илгари бажарди.

Областда энг йирик бўлган Тошкент теплица комбинатида аттестация ўтказилиши ишга ёрдам берди. Бу корхона кўп вақтдан бери республика пойтахтига сабзавот етказиб бериш планини барбод этиб келаётган эди, нотўғри техникавий раҳбарлик, интизомнинг бузилиши, ғийбатлар коллективнинг жонига теккан эди. Район партия комитети ишни ўнглаб олиш учун даставвал партбюро аъзоларини, раҳбар коммунистларни аттестациядан ўтказди. Натижада партбюронинг 8 аъзосидан бештаси, жумладан директор ҳам аттестациядан шартли тарзда ўтказилди, бюро аъзоларидан бири аттестациядан ўта олмади. Корхона раҳбарлари ўзгартирилди. Ҳозир комбинатда ишлар бошқача бормоқда.

Биз аттестация ўтказишга шошилаётганимиз йўқ. Бу тадбир қарийб бир йилдан бери давом этиб келаётган бўлса ҳам, ҳар тўрт бошланғич партия ташкилотидан учтасида ўтказилаяпти. Суҳбатдан ўтган коммунистлар жами партия аъзоларининг фақат 10 процентини ташкил этди. Аттестация комиссиялари ўрганиб чиққан 18 минг КПСС аъзосининг еттитадан биттаси аттестациядан шартли равишда ўтди. 650 киши аттестациядан ўта олмади.

Яқинда биз илмий-амалий конференция ўтказиб, партияга қабул қилиш ва партия сафларини мустаҳкамлаш ишларини такомиллаштириш масалаларини ўрганиб чиқдик. Бу анжуманда партия ходимлари, партия ташкилотларининг секретарлари билан бир вақтда москвалик ва тошкентлик олимлар ҳам сўзга чиқдилар. Таҳрир ҳайъати конференция иштирокчилари айтган таклифларни ҳисобга олди ва орттирилган тажрибани назарда тутиб, аттестация комиссиялари учун тавсияларга ўзгартишлар киритди.

Ошкоралик бўлмас экан, қандай лавозимда ишлаётганидан қатъий назар, ҳар бир коммунистнинг фаолиятига принципиал баҳо берилмас экан, аттестациядан мутлақо фойда йўқ, деб таъкидлашди конференция иштирокчилари. Бунинг учун гражданлик жасорати, партиявий мардлик зарур. Ахир ўтмишда бизда амалга сажда қилиш авж олиб кетган эди. Бу эса ришвахўрлик, маҳаллийчилик, порахўрлик ва бошқа салбий иллатларга замин ҳозирлайди. Касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади, деган гап бор, ҳозир ҳам айрим раҳбарлар ўз атрофларига ношуд «мурид»ларини йиғиб олиб, улардан ўзларининг сохта обрўларини «кўтар-кўтар» қилишда ва раҳбарнинг фикридан бошқачароқ фикр айтиши мумкин бўлган кишилардан ўч олишда фойдаланишмоқда. Булар қайта қуришнинг биринчи душманларидир. Ўз лавозимидан маҳрум бўлиб қолишдан чўчиб, бундай кишилар барча янгиликларга жон-жаҳдлари билан қарши чиқмоқдалар. Коммунистлар аттестацияси пайтида бундай кишиларнинг қоли танг бўлмоқда.

Шуни дангал айтиш кераккки, ҳамма ерда ҳам коммунистлар аттестацияси принципиаллик билан бугунги куннинг юксак талаблари даражасида ўтаётгани йўқ. Шундай ҳоллар ҳам содир бўлмоқдаки, худди ўша лаганбардорлар, худди ўша «мурид»лар аттестация комиссияларига кириб қолмоқда. Оқибатда ишни барбод бераётган раҳбарлар шаънига принципиал сўз айтиш ва қатъий хулосалар чиқариш ўрнига ҳамду-сано янграмоқда. Бундай масхарабозликни кўриб турган коммунистлар ва бутун коллективнинг эса ҳафсаласи пир бўлмоқда.

Партия комитетлари коммунистлар аттестациясидан шахсий адоват йўлида, ҳаддидан ошган раҳбарларнинг тўралашиб кетишига, ўзбошимчалигига қарши курашаётган кишилардан ўч олиш йўлида фойдаланилмаслигини диққат билан кузатиб турибди.

КПСС Марказий Комитетининг февраль Пленумида коммунистлар фаолиятсизлик, масъулиятсизлик, сусткашлик, қайта қуришга бефарқ қараш билан муроса қилишни истамаётганликлари, маҳмадоналар ва сафсатабозларга тоқатлари йўқлиги таъкидлаб ўтилган эди. Коммунистларнинг ана шу фазилати аттестация чоғида равшан намоён бўлмоқда.

Юқорида айтиб ўтганимдек, аттестация ўтказиш чоғида станоклар ёнида, пахта далаларида, қурилишларда жон куйдириб меҳнат қилаётган оддий коммунистлар, бутун халқ ишончли таянч, бош ҳакам бўлаяпти. Халқимизнинг руҳи ва орзу-ўйлари, ҳақиқат тантанасига ишончи покизадир. У порахўрлардан ва пасткашлардан ҳазар қилади, унинг амри билан республикамизда тартиб ўрнатилмоқда. Ўтмишдаги хатолар, камчиликлар учун ҳам, бугунги ишнинг аҳволи учун ҳам, қайта қуришнинг тақдири учун ҳам худди ана шу халқ сўраб-суриштиришга, тергашга ҳақлидир.

Биз асосий омилни топдик, чоғи, — деди суҳбат сўнгида Т. А. Алимов, — худди ана шу коммунистлар аттестацияси орқали, партия ҳар бир аъзосининг активлигини, партия ташкилотларининг жанговарлигини, омманинг онглилигини ошириб, биз ўзимизни маънавий жиҳатдан поклаб олишга эришамиз. Бу эса қайта қуришнинг асосий мақсадларидан биридир.

**Т. ДОҒЖИ,**
**ЎзТАГ мухбири.**

ЗАМОНДОШИМИЗ



# Нурли йўл

**Валерий Михайлович билан илк суҳбатимиз оилавий ҳаёти ҳақида борди.**

**— Икки ўғлим бор. Каттаси Вячеслав, кичиги Сергей, — Валерий Михайлович бир зум ўйланиб турди... — Катта ўғлим ўзим билан ишлайди. Ўйлаб-ўйлаб шу фикрга келдим. Майли, ҳунар ўргансин, дедим. Биласизми, ота-боболаримиз бизга шундай мерос қолдиришган, яъни ўз ҳунарларини авлоддан-авлодга етказишган. Шундай эмасми? Кейин болалар ёшлигидан қатъий интизомга ўрганишади бунда, — шундай деб у мийиғида кулиб қўйди, — кичигим Сережа ҳозир тўққизинчи синфда. У ҳам акасининг изидан боришни ният қиляпти...**

**Суҳбат ўз-ўзидан заводга, коллектив ҳаётига кўчди. Ҳозир «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Реле ва автоматика» заводи тўла хўжалик ҳисоби асосида ишлаяпти.**

**— Шахсан ўзингиз буни қандай баҳолайсиз?**

**— Мана, илгарилари фақат план-план дердик, аммо ишчилар учун қулайлик яратишга бизда унчалик эътибор берилмас эди. Хўжалик ҳисоби энг аввало одамларга ғамхўрлик, инсон омилига эътиборни кучайтиряпти. Ҳозирда бу коллективимизга қилинаётган жуда катта эътибор деб биламан.**

**Валерий Михайловичнинг фикрини завод партия ташкилотининг секретари А. Маҳмудов тўлдирди.**

**— Илгари етилган муаммолар ҳақида фақат завод раҳбарлари ўйлашсин дейишарди, ҳозир цех ишчиларининг ўзлари бу муаммоларни ўртага ташлаб, уни қандай ҳал этиш йўлларини ҳам белгилашяпти. Бу — хўжалик ҳисоби самараси, юксак онглилик натижаси.**

**Коммунист Валерий Журавко жамоат ишларида ҳамиша фаол. Кўп йиллардан буён корхона кўнгилли халқ дружинасига етакчилик қилиб келяпти. Ҳозир у асбобсозлик цехида йўнувчилар бригадасининг бошлиғи.**

**Халқимизда йигит кишига қирқ ҳунар ҳам оз, деган яхши нақл бор. Валерий ҳунар ўрганиб кам бўлгани йўқ. У фидокорона меҳнати учун Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланди...**

**Уни олдинда ҳали нурли истиқбол кутяпти.**

**Ҳ. ИКРОМОВ.**

**СУРАТДА: Валерий Михайлович Журавко.**

**Т. Каримов** фотоси.

Шаҳримизда Ҳамзахонлик кунлари бошланди

# Ўлмас сатрлар соҳиби

Ҳамза!

Бу номни тилга олишимиз билан кўз ўнгимизда оташин шоир ва драматург, жасур инқилобчи, янги ҳаёт куйчисининг сиймоси гавдаланади.

Шоир Ҳамзанинг илк ёзган шеърларидан бошлаб энг машҳур «Бой ила хизматчи» драмасигача ўз халқига муҳаббат руҳи билан суғорилган. Маърифатпарвар ижодкор ўзбек халқини саводли, ўқимишли бўлишга, истибдод кишанларини улоқтириб ташлашга чақирди, Улуғ Инқилобни ўтли сатрларда куйлади.

Шу ўринда «Яша, Шўро!», «Замон ичра», «Ишчилар уйғон!», «Ҳой, ишчилар!» сингари жанговар шеърлар ўз таъсир кучини йўқотмаганини таъкидлаб ўтиш ортиқча бўлса керак.

Бир неча йиллардан бери Ҳамзахонлик кунларини ўтказиш республикамизда яхши анъанага айланиб кетди. Бу йилги Ҳамзахонлик кунлари ҳам шоир ҳайкали пойига гулчамбар қўйиш билан бошланди.

Бугун адабий жамоатчилик, шаҳар вакиллари Ҳамзанинг улуғвор ёдгорлиги олдига келишди. Бу ерда митинг бўлди. Унда сўзга чиққан адиблар, студентлар, турли касб эгалари шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳар бир киши учун қадрли ва ибратли эканлигини таъкидлаб ўтдилар.

Ҳамзахонлик кунларида Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтида, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Пушкин номли тил ва адабиёт институтида илмий конференциялар бўлиб ўтади.

Шоирни хотирлаш кунлари 15 мартда Ҳамза номли Санъатшунослик институтида катта мушоира кечаси билан якунланади.

Азиз ҳамшаҳарлар, Ҳамзахонлик кунларига ташриф буюринг.

## Мутахассис қандай бўлиши керак

Кеча Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетида пойтахт олий ва ўрта махсус таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари билан учрашув бўлиб ўтди.

КПСС Марказий Комитетининг февраль (1988 йил) Пленуми ва ўртоқ М. С. Горбачевнинг ана шу Пленумдаги нутқи талаблари асосида ўрта ва олий мактабни қайта қуриш борасидаги вазифаларни амалга ошириш билан боғлиқ масалалар учрашув қатнашчиларининг диққат марказида бўлди.

Учрашув қатнашчилари жадаллаштириш ва қайта қуриш даврида мутахассислар тайёрлаш сифатини яхшилаш, олий таълимнинг ишлаб чиқариш ва фан билан интеграцияси самарали кўринишларини ғайрат билан жорий этиш, студентларда билимларга, касб маҳоратини оширишга интилишни, социализм учун курашчилар тарихий тажрибасини бойитишга интилишни тарбиялаш олий мактабнинг бош вазифаси эканлигини таъкидладилар.

Учрашувда Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатин иштирок этди.

### ЎЗБЕК ТИЛИДА

М. С. Горбачевнинг «Қайта қуриш ва мамлакатимизга ҳамда бутун дунёга хос янгича фикрлаш» китоби ўзбек тилида кўп нусхада нашр этилди. Китобни «Ўзбекистон» нашриёти босмадан чиқарди.

### МУЗИКА МАДАНИЯТИ — ОММАГА

Республикада ташкил этилаётган Ўзбекистон музика жамияти музика санъатини пропаганда қилишга, аҳолини эстетик жиҳатдан тарбиялашга кўмаклашиши лозим. Ташкилот комитетининг 10 март куни Тошкентда бўлиб ўтган мажлисида 19 мартда ана шу жамиятнинг биринчи таъсис конференциясини ўтказиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

## АДАБИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН

Таниқли совет ёзувчиси Комил Акмалевич Икромов асарларининг энг яхши саҳифалари ҳамюртлари — Совет Ўзбекистони меҳнатчиларига бағишланган. Ўзбекистон ССРнинг атоқли партия ва давлат арбоби, шахсга сиғиниш даврида ўзбошимчалик қурбони бўлган Акмал Икромовнинг ўғли ўз ҳаётида жуда кўп қаттиқ синовларга дуч келди. Аммо булар унинг ёзувчилик истеъдодини сўндира олмади. К. А. Икромов бир қатор ажойиб бадиий асарлар яратди.

Ўзбекистон адабиётини ривожлантиришдаги хизматлари учун К. А. Икромовга «Ўзбекистон халқ ёзувчиси» фахрий унвони берилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. П. Романовский 10 март куни тантанали вазиятда ёзувчига фахрий унвон берилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва тегишли кўкрак нишонини топширди.

Мукофотни топшириш маросимида Уруш ва меҳнат ветеранлари республика кенгашининг раиси Р. Ғуломов, Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг раиси О. Э. Ёқубов иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

## СЎНГГИ СОАТДА

**⊙ Рейтер агентлиги Жакартадан хабар беради: Индонезия халқ консультатив кенгаши президент Сухартони бешинчи муддатга қайта сайлади. У мамлакат президенти вазифасини 1993 йилга қадар адо этади. 66 ёшли Сухарто мана 20 йилдан бери ана шу лавозимни эгаллаб келмоқда.**

⊙ ЮПИ агентлигининг Страсбургдан хабар беришига қараганда, Европа парламенти Европа иқтисодий ҳамжамияти билан Исроил ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги уч протоколни тасдиқлашдан бош тортган.

Бу тарихда Европа парламенти шу хилдаги протоколни ман этган биринчи ҳолдир, деб қайд этади ЮПИ агентлиги. Бу Тель-Авив босиб олган араб территорияларидаги фожиали воқеалар муносабати билан Исроил адресига бўлган танқиднинг оқибатидир.

**⊙ Тўрт нафар американлик тарихда биринчи бўлиб Американи Антарктидадан ажратиб турувчи Дрейк бўғозини солда сузиб ўтишди, деб хабар беради Франс Пресс агентлиги. Горн бурунидан [Американинг энг жанубий нуқтаси] старт олган довюрак денгизчиларга 1370 километр масофани ортда қолдириб «муз қитъаси»га етиб келиш учун 15 кундан камроқ вақт керак бўлди.**

⊙ Рейтер агентлиги Амритсардан хабар беради: ўтган чоршанба куни сикх экстремистлари Ҳиндистоннинг Панжоб штатида саккиз кишини ўлдирганлар.

Мазкур террористик акт маъмурлар илгари тартибсизликларни уюштиришда айбланган беш нафар диндорни — сикх жамоаси бошлиқларини озод қилганидан сўнг орадан бир неча соат ўтгач содир бўлган.

**⊙ Австралиянинг Янги Жанубий Уэльс штати расмлар галереясида Ленинград Эрмитажи асарларининг виставкаси очилди. Сиднейга Совет Иттифоқидан келтирилган экспозицияда Боттичеллидан тортиб Пикассогача бўлган XV—XX аср рассомларининг асарлари бор. Май ойида жаҳонга машҳур мўйқалам соҳибларининг бебаҳо ижоди билан Австралиянинг катталиги жиҳатидан иккинчи шаҳри — Мельбурн аҳолиси танишади.**

